



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2011-yil, 5-iyul. Seshanba 79 (31.355) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



Ўзбекистон ёшлари замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан бемалола беллаша олишлари лозим. Чунки улар ҳеч кимдан кам эмас, кам бўлмайди ҳам.

Шундай спорт турлари борки, унда спортчиларнинг индивидуал маҳорати алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ футбол — жамоавий ўйин. Унда жамоа аъзоларининг бирдамлиги, аҳилалиги, фидойилиги энг муҳим омилдир.



Эътироф

Ўзбекистонда ҳайратланарли даражада кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда

Мамлакатимиз ўзининг бетакрор тарихий обидалари, бой маданияти ва анъаналари, гўзал табиати ва замонавий шаҳарлари билан сайёҳлар ва хорижлик меҳмонларни мафтун этмоқда. ЎЗА мухбири улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

Марк ТОММАЗИНИ (Италия):

Тошкентдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг миқёси ва самараларини кўриб ҳайратландим. Барча кулайликларга эга бозорлар, савдо марказлари эътиборини тортди. Кўркам ва замонавий меҳмонхоналар, юқори сифатли хизмат кўрсатувчи ресторан ва қаҳвахоналар, музей ва галереялар ҳамда бошқа кўплаб дам олиш масканлари сайёҳларни кенг жалб этиши табиий.

Тошкентда жамоат транспорти фаолияти яхши йўлга қўйилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Айниқса, Тошкент метро-стацияларининг ўзига хослиги, тоза ва озодлиги, йўловчиларнинг бир-бирига ҳурмати ва маданияти менда катта таассурот қолдирди.

Ширинсухан ва меҳмондўст халқингиз ҳар қандай кишида меҳр уйғотади. Ўзбек халқига хос ажойиб урф-одатлар ва миллий анъаналарда юксак маънавият мўжассам. Энг асосийси, Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда. Бу эса сайёҳларни жалб этувчи, улар оқимини мамлакатингиз томон ҳаракатлантирувчи энг муҳим омиллардан биридир.

Роланд ЖОБЕР (Франция):

Тошкентга бундан ўн етти йил аввал ҳам келган эдим. Шаҳарни сайр қилар эканман, унинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганини, чирой очганини кўриб, лол қолдим. Пойтахтингизнинг серфайз кўчаларини сайр қилиб тўймайди киши. Бу мафтункор заминда амалга оширилган мислсиз

бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг улкан натижалари ҳар қандай сайёҳни мафтун этади. Айниқса, тарихий обидалар ва меъморий ёдгорликлар менда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, бағрикенг ва меҳр-оқибатлилиги алоҳида ажралиб туради. Ўзбек миллий таомлари менга ниҳоятда манзур бўлди.

Индражит ДЭСАИ (Хиндистон):

Аждодларингизнинг ҳинд заминда қолдирган улкан мероси Ўзбек ва ҳинд халқларининг тарихий яқинлигидан далolatдир. «Тожмаҳал», «Хумоюн» каби тарихий обидалар халқларимиз учун бирдек қадри ва азиз.

Мамлакатингизда изчиллик билан олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари гоё ҳайратланарлидир. Мен Ўзбекистоннинг кўплаб жойларида бўлганман. Тошкент, Хива, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарлардаги бетакрор меъморий обидалар ва муқаддас қадимжолар дунё мамлакатларида кам учрайди.

Илья ТРОМБИТСКИЙ (Молдова):

Мен 1978 йили оилам билан Ўзбекистонга келган эдим. Орадан йиллар ўтиб, яна юртингизда меҳмон бўлдим. Ўтган вақт ораллигида Ўзбекистон таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди.

Кундан-кун янгиланиб бораётган Тошкентнинг турфа гўзалликлари билан танишдим. Бу азим шаҳарда мароқли дам олиш учун барча кулайликлар яратилган.

ЎЗА мухбири **Мадина УМАРОВА** ёзиб олди.

ЎЗХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа



Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

Банк кредитлари ва оилавий тадбиркорлик

янги иш ўринлари демак

ЎЗХДП Марказий Кенгаши Марказий банк, «Микрокредитбанк» ОАТБ ва бошқа етакчи тижорат банклари билан бирга, Сирдарё вилоятида «Маҳалларда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш имкониятлари» мавзуда иқтисодий форум ўтказди.

Унда ЎЗХДП Марказий Кенгаши аъзолари, Марказий банк, «Микрокредитбанк» ОАТБ ва етакчи тижорат банклари, уларнинг вилоят ва туман бўлиmlлари раҳбарлари ҳамда мутахассислари, вилоят партия ташкилотлари етакчилари ва фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, оилавий бизнес, хунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланаётган электротар вакиллари, ўз бизнесини ташкил этиш ҳаракатида юрган ёшлар иштирок этди. Форум, айниқса, оилавий бизнесни бошлаш ниятида юрган кишилар, касаначилик асосида ўз ишини йўлга қўймоқчи бўлган хотин-қизлар, тадбиркорликка қўл урмоқ истагидаги касб-хунар коллежлари битирувчилари учун муҳим аҳамият касб этди. Яъни, уларнинг иқтисодий билим ва тушунчасини бойитишга хизмат қилди.

400 ТА СЕРТИФИКАТ, 500 ГА ЯҚИН ИШ ЎРНИ...

Шарбат АБДУЛЛАЕВА, ЎЗХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг иш билан бандлик даражаси ошиши гоёта муҳим. Бунинг учун кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектлари кўпайиши, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиши зарур. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари самарали амалга ошишида кенг имконият яратди.

Шу боис, партиямиз аҳолининг нафақат сиёсий, бал-

ки иқтисодий билимини ошириш, маҳалларда истиқомат қилувчи кам таъминланган, лекин ишга лаёқатли ва иқтисодий фаол электротар вакиллари билан бизнес режаларини қўллаб-қувватлаш, шу орқали янги иш ўринлари очишда яқиндан кўмак бериш мақсадида Марказий банк ва етакчи тижорат банклари билан ҳамкорлик қилмоқда. Мазкур лойиҳа ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқиб такомиллаштириб бораёпти.

(Давоми 2-бетда.)

Янгиликлар

Ҳуқуқий маданият

ва журналист масъулияти

Пойтахтимизда «Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва вазифалари» мавзуда илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли идора ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ҳуқуқшунослар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги босма оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этди.

Конференцияда юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, Омбудсман институти — инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг муҳим омили, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларга оид мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Сувни исроф қилиш увол

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Жиззах минтақавий ахборот-таҳлил марказида ичимлик суви таъминоти ва ундан тежамкорлик билан фойдаланиш масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон экологик ҳаракати фаоллари, вилоят табиати муҳофазат қилиш бошқармаси, санитария-эпидемиология назорати маркази, «Сувқома» ишлаб чиқариш бошқармаси, фуқаролар йиғинлари, уй-жой ширкатлари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг бу борадаги масъулиятини ошириш, суви тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш, сув ҳўжалиги инфрамузилмасини модернизация қилиш каби масалалар бўйича фикр алмашилди.



Устюртнинг уйғониш достони

Яқин ўтган кунлар

Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейди Абдулла Қодирий. Тарих воқеликни ўзаро муқояса қилишга имкон беради. Биласиз, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Орол денгизи чекина бошлади. Бу йиллар қорақалпоқ эли учун кулфат ва фожиалар даври бўлди. Ўша вақтда барча телеканаллар, ҳатто маҳаллий телевидение ҳам «Оққуш кўли» балетини намойиш этгани ёдимда. Улар жуфтдан айрилган оққушга ҳамдардликка ундаган. Лекин Орол фожиаси, шунинг оқибатида миллионлаб инсонлар бошига тушган кулфат ўзгаларни безовта этгани йўқ. → 3

Истиқлол имкониятлари

Мамлакат ва миллатни улуғлаган ғалабалар

Ўсмирларимиз ғалабаси сабаблари ҳақида фикр юритганда ҳаёт тажрибасидан кўп бор ўтган бир ҳақиқат ёдга тушади. Спортчининг ғалабасида жисмоний куч, маҳорат бир томон, ватанпарварлик туйғуси бир томон. Ортида ота-она, ака-ука, опа-сингил, ҳамюртлари, Ватани турганини ҳис этган спортчида орият, ғурур юқори туради, бутун вужуди билан курашга киришади. Ўсмирларимизнинг майдондаги ҳаракатларида бу яққол сезилиб турди. → 4



Гап деса қоп-қоп, иш деса...

ёхуд сайловолди кампаниясида «Адолат» СДП ўйламай-нетмай қоп-қоп ваъда бериб, энди уни бажаришга ожизлик қилаётгани ҳақида → 2

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 ЙИЛ 5 ИЮЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ					
1 Австралия доллари	1841,46	1 Миср фунти	288,11	1 СДР	2747,63
1 Англия фунт стерлинги	2760,47	1 Канада доллари	1788,91	1 Туркия лираси	1065,82
1 БАА дирҳами	467,43	1 Хитой юани	265,60	1 Швейцария франки	2024,55
1 АҚШ доллари	1716,82	1 Малайзия рингити	572,08	1 Евро	2454,12
				1 Жанубий Корея вони	16,15
				1 Япония иенаси	212,71
				1 Россия рубли	61,64
				1 Украина гривнаси	215,36



Банк кредитлари ва оилавий тадбиркорлик

янги иш ўринлари демак

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу форум тўғрисида ҳозиргача Тошкент, Самарқанд, Навоий, Андижон, Хоразм ва Бухоро вилоятларида 400 нафарга яқин электрорат вакили бошланғич капитални шакллантириш, қасанчилик ва оилавий тадбиркорликни бошлаш, ўз иштини ривожлантириш бўйича имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни қўлга киритди. Уларнинг 300 нафарга яқини ўзлари учун зарур маблағни олиб, иш бошлади. Маъзур иқтисодий форум доирасида ЎзАДП электрорат вакиллари учун банк сертификатлари бўйича ажратилиши режалаштирилган кредит маблағларининг умумий қиймати 15 миллиард сўмдан ошди. Шундан 11 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар электрорат вакиллари билан маблағларини молиялаштиришга йўналтирилди. Молиялаштирилган лойиҳалар асосида 500 га яқин янги ўрни яратилган, айниқса, қуёвчи.

Саттор РАҲМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзАДП фракцияси аъзоси.

— Бугунги кунда оилавий тадбиркорликнинг қонуний мақоми, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ташкил этиш ва тугатиш, шунингдек, солиққа тортиш механизми ҳамда бошқа мериториш механизми бўйича бериш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш зарур. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»-да бунга алоҳида эътибор қаратилади.

Оилавий тадбиркорликни тартибга солиш бўйича барча меъёрларни тизимлаштириш, соҳани кредитлашга доир шартларни бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ соддалаштириш амалда ўз самарасини беради. Шу боис партияси фракцияси аъзолари жойлардаги урчуларда оилавий тадбиркорликнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш бўйича жамоатчилик фикрини ўрганмоқда.

Шухрат КАРИМОВ,
Марказий банкнинг кичик бизнес-ни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти директори ўринбосари.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши учун қўлай муҳит яратилган. Бу янги иш ўринлари очилди, аҳолига барқарор даромад манбалари яратиб беришнинг муҳим шартидир. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ, бу йил тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 3 триллион 556 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилди. Сирдарё вилояти бўйича эса 91,9 миллиард сўм кредит ажратилиши кўзда тутилган. Бунинг 22,2 миллиард сўмини микрокредитлар ташкил этади.

Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, гўшт ва сутни қайта ишлаш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштиришга 13,5 миллиард сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 9,4 миллиард сўм, касб-хўнара коллежлари битирувчиларининг бизнес-лояихаларини молиялаштиришга 1 миллиард 50 миллион сўм, қишлоқ жойларда оилавий бизнес ва хўнарандчиликни ривожлантиришга 436 миллион сўм йўналтирилди. Бундан ташқари, вилоятда фаолият юритаётган нобанк кредит ташкилотлари (2 та кредит уюшмаси, 1 та ломбард) ҳам бу жараёнда ўз маблағи билан иштирок этади.

Давлат дастури ва ҳуқуқатимизнинг тегишли қарорига кўра, тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш мақсуд жамғармаси маблағлари асосан олис туманларда, шунингдек, меҳнат ресурслари ортқиқа бўлган туман ва шаҳарлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш лойиҳаларини молиялаштиришга ажратилади.

Шу билан бирга, яқна тартибдаги тадбиркорларга, жумладан, касб-хўнара коллежлари битирувчиларига берилган тижорат банклари кредитлари бўйича таъминот сифатида жисмоний шахсларнинг мол-мулкни гаровга олиш амалиёти

ни кенгайтириш учун тижорат банкларининг 2011 йилга мўлжалланган кредит сиёсати ҳамда бошқа тегишли ички тартибларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Иброҳим САЛИМОВ,
«Микрокредитбанк» ОАТБ бошқарув раисининг ўринбосари.

— Сирдарё вилоятидаги кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун жорий йилнинг беш ойи давомида банкмиқоз томонидан 5 миллиард 711 миллион сўм маблағ ажратилди. Шундан 3 миллиард 937 миллион сўми бевосита микрокредитлардир.

Кичик бизнес билан шуғулланмоқчи бўлган шахс ўз иштини кўнглидагидек бошлаб олиши учун дастлаб молиявий манбага эга бўлиши лозим. Банкмиқоз томонидан ажратилган бошланғич сармояни шакллантириш кредити шу мақсад учун берилади. Иккинчи йўналишдаги бошланғич сармояни шакллантириш кредити юридик шахс мақомидаги кичик корхона, муассасалар ишончли фаолият бошлаши учун, айниқса, қўл келади.

Ҳар бир кредит ажратилишида тадбиркор учун қатор имтиёзлар бор. Масалан, кредитни қайтариш муддати учун ойдан олти ойгача узайтирилиши мумкин. Бундан ташқари, микрокредит олмақчи бўлган шахсларга банк мутахассислари томонидан икки марта бепул мақсуд ўқув ташкил қилинади. Банкмиқоз кредит олиш бўйича мурожаат қилган ҳар бир тадбиркор бу имкониятдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

БИЛЛИМ ХАРАКАТГА УНДАЙДИ

Иқтисодий ўқув мубайнида иштирокчилар қатор саволлар билан мурожаат қилишди. Саволларга банклар вакиллари ва мутахассислар атрафлиқа жавоб қайтаришди.

Савол: — Кичик корхона очиб иш бошлашга касб-хўнара коллежлари битирувчилари учун бирор-бир имтиёз борми?

Жавоб: — Қонунларимизда кичик корхоналар ва микрофирмалар учун тегишли имтиёзлар назарда тутилган. Ундан барча бирдек фойдаланиши

мумкин. Бундан ташқари, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг асосий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, коллеж битирувчилари, умуман, энди иш бошлаган ёшлар учун имтиёз жорий қилиш чора-тадбирлари кўриляпти. Айни пайтда ҳам тадбиркорликнинг айрим турлари бўйича ўз фаолиятини бошлаган коллеж битирувчилари учун тегишли имтиёзлар бор.

Савол: — Икки миллион сўм кредит олмақчи эдим. Кредит нақд пул кўринишида бериладими? Ёки пул кўриниши йўли биланми?

Жавоб: — Кредитлар қандай мақсадда олинаётганига қараб нақд пул кўринишида ҳам, нақдсиз кўринишида ҳам берилади. Агар кредит мақсади жисмоний шахслар томонидан этиштирилган маҳсулот ёки хизматни харид қилиш бўлса, кредит нақд пул кўринишида берилиши мумкин. Фақат кредит қайтарилиши ҳам нақд пулда бўлади.

Савол: — Амалда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъекти солиққа тортиладими?

Жавоб: — Тадбиркорлик субъекти иш юритмаётган бўлса, гувоҳномасининг амал қилиш муддатини вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш керак. Акс ҳолда, у фаолият юритаётган ҳисобланади ва қонунга мувофиқ тарзда солиққа тортилади.

Савол: — Кредит олишга доир мурожаатларга ўз вақтида жавоб бермагани учун банклар жавобгар бўладими?

Жавоб: — Қонунга мувофиқ кредит олиш бўйича мурожаатларга банк 10 кун ичида асосланган ҳолда жавоб бериши шарт. Агар банк турли баҳона билан мурожаатларни қўриб қилиш ва жавоб бериш муддатини чўса, фуқаролик судига арз қилиш мумкин.

Савол: — Хусусий тадбиркорман. Банкдаги ҳисоб рақамимда маблағим бор. Баъзида нақд пул керак бўлиб қолади. Уни банкдан олиш тартиби қандай?

Жавоб: — Агар маҳсулот ёки хизмат харид қилиш бўйича жисмоний



шахс билан савдо қилсангиз, банк сизга нақд пул беришга мажбур.

Савол: — Банкда ҳисоб рақами очилганда қанча тўлов қилиниши керак?

Жавоб: — Қишлоқ жойларда энг кам иш ҳақининг ўн фоизи, шаҳарларда эса энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорда тўланади.

НАТИЖАЛАР, НАВАТДАГИ ВАЗИФАЛАР

Айтиш ўринлики, партия фаоллари вилоятдаги маҳаллалар миқёсида Марказий банк ва тижорат банклари кўмағида кредит олиш, ўз иштини бошлаш ниятида юрган электрорат вакиллари аниқлаш ишлари олиб борди.

Вилоятнинг ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури ҳамда янги иш ўринлари яратишнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, кам таъминланган, лекин иқтисодий фаол аҳоли вакиллари, хусусан, уйда ўтирган хотин-қизлар, касб-хўнара коллежлари битирувчилари тақдим этган бизнес-лояихалар ўрганиб чиқилди. Истиқболли деб топилган 50 та лойиҳа эгасига имтиёзли кредит олиш бўйича тижорат банкларининг сертификатлари топширилди.

Қарийб йигирма йилдан бери чопон тикиш билан шуғулланамиз, — дейди **Ойгул Абдуллаева**. — Бу — оиламиз аънаси. Ҳозир икки қизим ҳам менга ёрдам бераёпти. Тайёрлаётган маҳсулотимизга бозорда талаб катта. Шу боис, фаолиятимизни кенгайтиришга қарор қилдик. Бугун микрокредит олиш бўйича сертификат олдим. Уни маҳсулотимиз сони ва сифатини ошириш учун сарфламоқчимиз.

Рустам ҚОДИРОВ,
ҳалқ депутатлари Сирдарё туман Кенгаши депутати.

— Жорий йил банкларнинг кредит

маблағлари олис туман ва қишлоқларда тадбиркорлик, оилавий бизнес билан шуғулланаётган аҳоли ташаббусларини молиялаштиришга кўпроқ йўналтириляпти. Бу — партиямиз электрорат манфаатини ишончли ҳимоя қилиш учун катта имконият. Шу боис, иқтисодий ўқувни банкларнинг маҳаллий бўлими билан ҳамкорликда туман ва маҳаллаларда ҳам ўтказиш, бу борада аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш фойдалан холи бўлмайд.

Рустам ТўРАДИЕВ,
Урта махсуд касб-хўнара таълими маркази Сирдарё вилоят бошқармаси бошлиғи.

— «Микрокредитбанк»нинг вилоят бўлимида тадбиркорлик билан шуғулланиш ниятидаги касб-хўнара коллежлари битирувчиларига маслаҳат-қўмак бериш мақсадида махсус штаб ташкил қилинди. Бу ерда битирувчилар ўз бизнес-лояихаларини банк ходимлари ва мутахассислар кўмағида пухта тайёрлаш имконига эга. Бу йил вилоятимиздаги касб-хўнара коллежлари битирувчиларининг бизнес-лояихаларини молиялаштириш учун 1 миллиард 50 миллион сўм ажратиш кўзда тутилган. Бу маблағ энг яхши ва истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш учун адолатли йўналтирилиши устидан жамоатчилик назоратини қўйиштиришимиз керак...

Бугун қўлидан иш келадиган кишилар ташаббусини рағбатлантириш, бури ишининг бошини тутиб, ҳаётдан ўз ишончли топишга интилаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш келажақда катта самара беради. Бундан, аввало, жамият манфаат қўради. Буни унутмаслик, энг муҳими, шу мақсад йўлида ақил ҳаракат қилиш зарур.

Тўлқин ТўРАХОНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Гап деса қоп-қоп, иш деса...

ёхуд сайловолди кампаниясида «Адолат» СДП ўйламай-нетмай қоп-қоп ваъда бериб, энди уни бажаришга ожизлик қилаётгани ҳақида

Дунёнинг барча мамлакатларида сайловолди кампания кескин кечади, сиёсий партиялар ўртасидаги баҳс-мунозара бу даврда авж олади. Парламент шаклланиб бўлгач, бу кураш сайловолди дастурларни амалга ошириш тарзида давом этади.

Мамлакатимиз тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ривожланган давлатлар таҷрибасини ҳисобга олиб, Юртбошимиз: «Партиялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилиши даркор, — дея уқтиради. — Айнан шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўз электроратини ўйлан-тираётган социал-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бугун диққат-эътиборини қаратиши керак».

Дарҳақиқат, фаолиятдаги нуқсонларни тўғри таҳлил қилиш, асосли танқид орқали хато ва камчиликларни бартараф этиш мумкин. Лекин бу — асоссиз танқид ёки қора технологиялардан фойдаланиб, омман чалғитиш мумкин, дегани эмас. Сўнгги пайтларда сиёсий партияларнинг ўзаро баҳси кўпайиб кетгани яхши ҳодиса. Аммо «Адолат» газетасида номи баҳс, ўзи «сафсатага қариндош» фикрлар берилаётгани, бу оддий халққа айланган қолаётгани кишини ташвишлантиради.

Эътибор беринг, шу йилнинг дастлабки олти ойида тўртта сиёсий партия наشرларида танқидий рўхдаги 53 та материал эълон қилинди. Уларнинг 34 таси «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари хиссасига тўғри келди. Шундан, (23 та ЎзАДПга ва 11 та «Адолат»га оид). «ХХI asr» газетасида 6 та (ҳаммаси ЎзАДПга) ва «Адолат» газетасида 11 та (8 таси ЎзАДПга) оид мақола чиққан.

ЎзАДПга қаратилган танқидий мақолаларда асосан депутатлик

гуруҳлари фаолияти сустигли мавзусига кенг ўрин берилган. Савол туғилади, шу ва шу каби катта-кичик маълумотларни тўплаб, уларни «ёлгон ёғиқа қовуриб» жамоатчиликка етказишга ҳаммасларимизни нима мажбур қилмоқда?

Сиёсий рақобат фақат жамият ривожига, фикрлар хилма-хиллиги эса тўғри йўлни танлашга хизмат қилиши тарих силовидан ўтган ҳақиқат. Лекин рақибларимиз бундан қачон тушуниб этади? Ўзига ҳам, электроратга ҳам фойдали ишларга кўпроқ вақт сарфлагани афзал эмасми? Ёки улар электроратга берган ваъдаларини бажара олмаётганини шу билан хаспўш-ламоқчимми?

Сўнгги пайтларда фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий онги кескин ошди. Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, бунга гувоҳ бўласиз. Аммо «Адолат» партияси фаолларининг чиқишлари маъзур жараёнга акс таъбир характерига эга, жамиятда сиёсий дидни ўтмаслаштиришга қаратилган. Бунга социал-демократларнинг нафақат ўз электрорати, балки жамиятга ҳам зарар етказиши деб баҳолаш мумкин.

Газетамизнинг ўтган сонларида танқидий рўхдаги мақолалар назарий қондалар асосида таҳлил этилиб, қора пиарнинг аралашуви жамият тараққиёти учун зарарли экани хусусида сўз юритилган эдик. Лекин «Адолат»нинг 24 июнь сонидан партия сиёсий кенгаши аппарат раҳбарининг чиқишини кўриб, интилимизимиз унчалик натижа бермаганидан, тўғриси, озгина ранжидик. Жавоб талаб этмайдиган «риторик сўроқ гап» тарзи-

да ёзилган мақолага жавобни ўқиб, ҳайратландик...

Аслида «Адолат» партияси амалий иш билан эмас, фақат ваъда бериш билан сайловолди кампаниясида (сиёсий партиялар орасида энг кам овоз бўлса-да) қўлга киритгани сайловолдлардан кейинги ўтган вақт мубайнида тобора яққол намоён бўлмоқда. Бундай ҳулосага ўз-ўзидан келингани йўқ, албатта, бунинг тағида катта асос бор.

«Адолат» партияси 2009 йили эълон қилган сайловолди дастурининг «Сиёсий ўзгаришлар: инсон манфаатлари — энг олий қадрият» деб номланган бобида «...қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш жараёнида жамоатчиликнинг фаол иштироки таъминланган» деб бериб берилган ваъдаларини бажара олмаётганини бундан берадиган «электрон ҳуқуқатимиз»ни жорий этиш бўйича дастурни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш» ҳақида тақлиф қилиниши белгиланган. Лекин мана, бир ярим йил ўтди ҳамки, «адолат»чилар сукут сақляпти. На дастурдан, на бу борада бирор-бир тақлифдан дарак йўқ.

Маъзур бобнинг давомида «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўзининг ижтимоий ҳаётининг кўндалари — касба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмаларига таянган ҳолда, фуқароларининг ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларини рўёбга чиқариш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш, ҳомийлик ва хайр-саховатни кенгайтириш учун янада қўлай шарт-шароит яратиш бўйича савий-ҳаракатларни бирлаштиришни режалаштирмоқда», деб белгилаб қўйилган.

Афсуски, бугунга қадар бу ҳамкорликнинг ҳеч қандай амалий натижаси кузатилмапти. «Адолат» социал-демократик партияси касба уюшмаларини ўзининг ижтимоий ҳамкори деб таъкидлайди. Аммо бу партия билан касба уюшмалари федерациясининг бирор-бир

ҳамкорлигини кўриш қийин. Улар ўртасида ҳамкорлик тўғрисида бирор-бир ҳужжатнинг ўзи бормикин? Агар бундай ҳамкорлик келишуви бўлмаса ҳам «адолатчилар» ўзига хос манманлик билан бундай ҳужжатлар бизда жуда бисёр деб кўксиларига уришларини биз аниқ биламиз. Мабоҳо шундай ҳужжат бўлса бу «ҳамкорлик» ҳужжатлигига қолаётганлигини ҳам ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

«Адолат» партияси 2009 йили эълон қилган сайловолди дастурининг «Сиёсий ўзгаришлар: инсон манфаатлари — энг олий қадрият» деб номланган бобида «...қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш жараёнида жамоатчиликнинг фаол иштироки таъминланган» деб бериб берилган ваъдаларини бажара олмаётганини бундан берадиган «электрон ҳуқуқатимиз»ни жорий этиш бўйича дастурни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш» ҳақида тақлиф қилиниши белгиланган. Лекин, мана, бир ярим йил ўтди ҳамки, «адолат»чилар сукут сақляпти. На дастурдан, на бу борада бирор-бир тақлифдан дарак йўқ.

Худди шундай, «Соғлиқни сақлаш: сифат ва фойдаланиш имконияти қаролатлари» бобида «Партия бу борадаги ўз сайёҳаракатларини бепул тиббий хизмат кўрсатишни қаролатлайдиган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, давлат соғлиқни сақлаш секторини мустаҳкамлаш, фармакология хизматлари тармоғини шакллантириш устидан назорат қилиш, мактаб ва мактабга таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш, болалар парварши бўйича давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга йўналтиради», деб белгилаб қўйилган. Лекин ҳали-ҳануз бу йўналишда маъзур сиёсий куч томонидан ҳеч қандай тақлиф киритилмаган.

Дастурдаги «Таълим: замонавий даража ва моддий базани яхшилаш» бобида «...фундаментал илм-фанни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш; илм-фан

житлик ҳуқм сурмоқда... «Адолат»нинг ҳамма ваъдалари фақат қорғозда қолиб кетаётгани ҳар бир киши учун кўндал равшан. Жойларда ҳудудий партия ташкилотлари ҳамон шаклланган эмас. Бу уларни ташвишлантирмайди, шекилли? Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашиларининг 25 фозизда орғидаги биронга ҳам депутатлик ўринни қўлга кирита олмагани, яна қанча маҳаллий Кенгашларда депутатлик гуруҳини тузишга эришолмагани, наҳот, уларни безовта қўллайди? Қўллаб-қувватлашда бу партиянинг идорасини, ҳатто раҳбарини ҳам топа олмайсиз. Бу аҳволда шундай катта ваъдаларни бажариб бўлмаслиги табиий, албатта. «Адолат» СДП фаоллари «хар доимгидек ваъдани бераверайлик, қолгани бир гап бўлар...» деган ҳаёлга борганга ўхшайди. Хўш, бундан электроратга, жамиятга нима фойда?

Лекин вақт кўтиб турмайди. Ўтаётган хар лаҳза кейинги сай-

ловларга яқинлаштиради. Сайловларга эса қуруқ қўл билан бориш — кейинги беш йилликни бой бериш дегани. Шу боис ҳам «адолат»чилар стратегияни ўзгартириб, қора технологиялардан фойдаланишга ўтди. Амалий ишлари давра суҳбатчию мажлисозлик билан чекланиб, халқнинг ишончини қозонган, ҳаётий ташаббуслари қилган электрорат орасига чуқур қилириб бораётган, унинг ҳаётини фаровон этиш йўлидаги сама-

моясига қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни кенг тарғиб этиш пайидамиз. Тирноқ остидан кир қидиришга вақт сарфлашни увор деб биламиз. Биргина мисол сифатида айтиш мумкинки, 2011 йилнинг дастлабки 5 ойи давомида партиямизнинг Жамоатчилик қабўлганларига 3500 га яқин мурожаат тушди. Уларнинг хар бирини кўтаришган масалалар алоҳида мақола қилишга арзийди. Бизнингча,

қуруқ гапдан кўра ана шундай муҳим ишлар билан шуғулланишга қараб, иш йўқ жойда эса камчилик фаолиятсизликдан иборат бўлади. Худди «Адолат» СДПда бўлгани сингари...

Шундан келиб чиқиб, мантиқсиз танқид ҳақида ўрни келганда сўз юритиб, ўз йўлимизда давом этаверамиз. Карвон ўтаверади...

Алишер РАВШАНОВ,
ЎзАДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати ходими.

Концепция:

Хуқуқий маданиятни ошириш

эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартидир



Шарқи НАЖМИЕВ,

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши катта референти.

Жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланиши, қонун устуворлиги, ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиклигини таъминлаш хуқуқий маданиятни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Тараққиётимизнинг бугунги босқичида бу тизимни янада такомиллаштириш орқали сиёсий-ҳуқуқий фаоллини ошириш талаб қилинаётир. Бунда ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларининг мавқеи янада кучайиши лозим.

Жамоатчиликни ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш жараёнида илмий-оммабоп адабиётлар нашр қилиниши ва тарқатилиши давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий таълим-тарбия воситалари ва усулларини такомиллаштириш, юридик таълим соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини ривожлантириш борасида сезиларли ишлар қилинмоқда. Бу жараёнда ижтимоий-ҳуқуқий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, халқаро тажрибадан кенг ва самарли фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш давр тақозосига айланган.

бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унга кўра, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида корхона-ташкilotлар, ўқув юртли ва маҳаллаларда фуқаролар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ходимлари, адвокат ва ҳуқуқшунос олимлар мунтазам равишда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиши зарур.

Ўқоридигилардан кўриниб турибдики, юртимизда аҳоли, хусусан, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқий онги, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида кенг қўллаб-қувватлаш талаб қилинаётир. Бунда ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларининг мавқеи янада кучайиши лозим.

ЎзХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида ҳам шу йўналишга катта эътибор қаратилган. Жумладан, тарғибот-ташвиқот ишларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, жойларда ташкил этилаётган тури ташвиқот, давра суҳбатларида илгор сиёсий технологиялар, ноанъанавий усуллардан унумли фойдаланиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Электрат манфаатига хизмат қиладиган ишларни янада ривожлантириш, қабул қилинаётган қонун ва меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳияти билан аҳолининг таълим-тарбияси, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўз вақтида ва жойида ечим топилишида партияимиз Жамоатчилик қабулхоналари муҳим урин тутмоқда. Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракцияси аъзолари аҳолининг ҳуқуқий онини кўтариш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўчма жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилмоқда.

Утган йилгирма йил мобайнида юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ҳар бир соҳада тарихий натижаларга эришилди. Бу, ўз навбатида, янги имкониятлар, янги истиқбол сари йўл очди. Президентимиз илгари сурган Концепцияда давлат ва жамият қурилишини янада демократлаштириш, бу борада муҳим вазифаларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ўтқир масалаларни ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтлари мавқеини мустақамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Ривожланган демократик давлатлар таърибаси шуни кўрсатадики, бунга ўз-ўзидан эришиш бўлмади. Бунинг учун демократик кадрларни ривожлантириш жараёнида ҳар биримиз ўз сиёсий-ҳуқуқий фаоллигимизни, қонуний манфаатларимиз таъминлашида катъий фуқаролик позициясини намоен этишимиз лозим.

Тадбир

Суд экспертизасига бағишланди

Адлия вазирлигида Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази фаолиятига бағишлаб «Суд экспертизаси кеча, бугун ва эртага» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Адлия вазирлиги масъул ходимлари, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази вақиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар суд экспертиза фаолиятини тартибга солувчи қонун умумий нормаларни қараб олишини таъкидлаб, Тошкент илмий-тадқиқот криминалистика лабораторияси ҳозир кенг тармоқли илмий-амалий марказга айланганини эътироф этдилар.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон суд экспертиза институти тарихида янги босқичга асос солинди: турли идораларнинг суд экспертиза хизмати ташкилий тузилиши такомиллаштириди, замонавий илмий-техник базаси яратилди, эксперт муассасалари юқори малакали мутахассисларга эга бўлди. Жумладан, ҳозирги кунда ҳақли равишда мамлакатимизда етакчи суд экспертиза муассасаси ҳисобланган Республика суд экспертиза маркази энг илгор техник воситалар билан жиҳозланган. Бу ерда мураккаб тадқиқотларни бажариш учун шарт-шароит яратилган. Марказий Осиёда биринчи бўлиб одам ДНКси суд биологик экспертизасини ўтказиш ташкил қилинган. Унинг бош идорасининг лаборатория ва бўлимлари ҳамда вилоятдаги 8 та бўлимларида 54 та эксперт мутахассислиги бўйича тадқиқотлар ўтказилиб, суд экспертизасининг долзарб назарий ва амалий масалаларида илмий изланишлар олиб бориляпти.

Анжуманда, шунингдек, суд экспертизаси олдидан турган вазифалар, соҳани ривожлантиришнинг истиқболдаги йўналишлари ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдида

Устюртнинг уйғониш дostonи

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўша вақтда ҳам Устюрт Устюрт эди. Ҳатто унинг номи юракда қўрқинч қўзғарди. Тўғри, шўро тузуми даврида Устюртга экспедициялар уюштирилган, бурғилаш ўтказилган. Ҳатто ўтган асрнинг олтинчи йилларида Кувонч ва Шахпахти газ конлари иш бошлаган. Гарчи шундай бўлса-да, яқин-яқингача эл-улус учун бу азим сахро сирлигича қолди. Ҳар қандай сирнинг орқасида фаройиб афсона ва миш-мишлар кезиб юради, шундай қонуният бор.

Пардабой оға деган бир қариндошимиз бўлиб, олтинчи йилларда у «Эил» деган машинада бизнинг овулга тез-тез келиб турар эди. Биз, овул болалари «Универсал» деган трактордан бошқа уловни кўрган эмасмиз, шу боис унинг келиши байрам бўлиб кетарди. Табиийки, уни саволга тутар эдик.

— Машинангиз ботиб қолмайди-ми?

— Ботади, аммо чиқиб кетади. Бир сафар саксовул олгани Устюртга борганда сал қийналдик, лекин...

— Устюртда нима бор?

— Э, Устюртни айтманг, эсимга тушса, уйқум қочади. Жайрон дейсизми, қоплон дейсизми, сайғоқ дейсизми, ҳамма-ҳаммаси бор. Бир чўпон уч бошли аждарҳо кўрган экан...

Пардабой оға Устюртни шундай таърифлаган.

1975 йили Устюртга оёғим етди. Кўнғирот — Бейнеу темир йўли яқинида ишга тушган эди. Кўнғирот-да поездга ўтириб, йўл-йўлакай чўлу биёбонни, темир йўл бўйида қурилган янги бекатларни томоша қилиб кетдим. «Қирқ қиз», «Абадан», «Жаслик», «Қорақалпоқ...» Бекатлар номи ҳамон ёдимда. Темирйўлчилар учун қурилган мўъжаз уй-жойлар. Ўша вақтда фақат «Жаслик» бекатида газ станцияси иншооти бўлган, холос.

Вақт бемалол, йўл узок, шу боис ҳамхона қарияни суҳбатга тортидим.

— Ота, бу Устюртда илгариям одам яшаганми?

— Ҳа, яшаган. Мана, мен устюртликман, отам ҳам, бобом ҳам шу ерда туғилган, шу ерда яшаб ўтган. Ҳўш, ўзинг Устюртда нима қилиб юрибсан?

— Устюрт ҳақида ёзгани келаяман...

— Устюрт жуда бепоён, учи-қуйруғи йўқ. Уни айланиб адоғига етиш қийин, болам...

Мен Оролни ҳам, Устюртни ҳам Ватанимизнинг бир қисми, тириклик манбаи деб биламан, севаман. Улар минг йиллар давомида ҳеч қандай зиддиятсиз ёнма-ён яшаб келган. Денгиз лиммо-лим вақтлар Устюртда иқлим мўътадил эди, яйловлар ўтлоқ бўлиб, сурув-сурув қўй, жайрон ва сайғоқлар билан кўлонлар ўтлаб юрарди...

Денгиз чекингач, иқлим кескин ўзгарди, алал-оқибат қўйларнинг бош сони камайди, жайронлар билан сайғоқлар эса «Қизил китоб»га кирди, кўлонлар буткул йўқ бўлиб кетди...

«Булоқнинг кўзини ёпмаслик керак!..»

1979 йили эрта кўзда «Устюртдан нефть чиқди!» — деган шов-шув ёйилди. Ёзувчилар уюшмаси расиси, атоқли шоир Ибройим Юсупов мени чақириб, Устюрт ҳақида, Қорақалпоқ нефти ҳақида ёзишга ундади.


Эртаси кун тонг сағарда «Қорақалпоқнефтьга» бурғилаш экспедициясига йўл олдим. У Кўнғирот шаҳрининг қоқ марказида жойлашган эди. Экспедиция раҳбари Абдумалик Умаров:

— Ибройим ака келишингизни айтган эди, — деди. — Сизга Турғунбой Турсуновни қўшиб қўяман. Самолёт соат 11 да ўчади. Оқчалокга борасиз. Ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз. Турғунбой оға геолог, бу ишларни мендан яхши билади, бирга бўласиз, у керакли тушунча беради.

«АН-2» кичик авиациянинг забардаст ўчоғи, биз унда ҳавога ўрландик, шунда кайфиятим кўтарилиб кетди. Биринчи Қорақалпоқ нефти! Унинг истиқбол ҳақидаги ширин хаёллар фикримни чулбаб олди. Мен ўшанда Оқчалокқа шу кайфиятда борганман, Назарбой исмли бурғилаш устанининг ишини кузатганман. Бурғилувчилар баланглиги 40 метр бўлган минора усканда, уни смена ишлар экан. Бурғилаш жараёнида ҳаракат узлуқсиз бўлиши керак, чунки бурғи учини мойлаб турадиган лой қотиб қолса, ускуна ишдан чиқиб, танг вазият юзага келади.

— Қанчага етиб борди? — деб сўради Турғунбой оға.

— 3 651 метр! — деди Назарбой.



Шундан сўнг бурғилаш маълум қатламга етганида олинган тупроқ намуналарини кўздан кечирдик. Унда нефть ҳиди бор эди...

— Устюртнинг қаеридан нефть чиққан, ўзи? — деб сўрадим мен.

— Уни жуда кўрғим келаятган эди. — Шошманг, эртага борамиз, — деди Турғунбой оға. — Бундан уч чақирим нарида.

Эрталаб нонуштадан сўнг Турғунбой ака иккимиз яёв йўлга чиқдик. Тепамизда қанот ёзиб сайраган турғай бизга йўлдош бўлди. Манзилга ярим соатда етиб бордик. «Нефть чиқди!» — деб шов-шувга сабаб бўлган «Оқчалок-3» деган жойда атиги битта қувур бор экан, холос.

— Август ойининг бошида нефть отилиб чиқди, — деди Турғунбой оға. — Лекин биз бу нефть булогини ёпиб ташладик. Чунки, биринчидан, унинг атрофидан яна қудуқлар қазиб умумий захирани аниқлаш керак, иккинчидан, Тошкент конларида 500-600 метрдан нефть чиқаяпти. У жуда арзон маҳсулот, бизнинг нефть сифатли бўлишига қарамай, жуда қимматга тушади.

— Захираларни жадал аниқлашнинг бошқа йўли йўқми?

— Бора бурғиланиш қўлайтириш керак. Бу кўп маблағ талаб этади. Тепадан бизга ҳар йили атиги тўртта қудуқ қазиб учун маблағ ажратилади, холос. Агар шу суръатда давом этсак, захира камида ўн беш йилда аниқланади...

Орадан ўн йил ўтган, «Оқчалок-3» қони қайта очиб қўрилганида нефть «қочиб» кетгани ойдинлашди. Геологлар: «Очилган булоқ кўзини бекитмаслик керак эди», дея афсус қилишди. Лекин ўша давр талаби шундай бўлган. Устюрт ҳарбийлаштириш учун жуда қўлай эди. Орол қуригани етмагандек, бу заминда ҳарбий синовлар ўтказилиб, атрофмуҳит махв этилган...

Ушанда биз Турғунбой оға билан нефть чиққан қувур атрофини узок айландик. Кўнғил тилган манзара эмас эди, бу. Шу боис руҳим чўкди. Шунинг севдими, у киши жануб томон йўл бошлади. Икки чақирим юрғач, олдимизда ажойиб мовий кўл намоен бўлди.

— Бу сароб эмасми, оға? — деб сўрадим ажабланиб.

— Йўқ, бу Борсакелмас кўли, — деди Турғунбой оға. — Ош тузунинг қони бу! Ер юзидаги одамларни 200 йиллик эҳтиёжини қоплай олади.

Нукусга келиб, Устюрт нефть-гази ҳақида ёздим, кейин уни Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали Табиат институти таниқли олим, геология-минералогия фанлари номзоди Жанабой Сомоновга бердим. У кўлёмани ўқиб чиққан:

— Ёзганинг ёмон эмас, аммо сендан Бердак чиқмайди! — деди. — Қани, бунда ҳақ манфаати! Устюртдан ёки Оролбўйида қазилма бойлик чиқса, у эл-юрт ҳаётини яхшилайди-ми? Ёш, уни қўйиб ташлашдан сен билан менга, одамларга нима фойда?

Мана, Устюрт гази Европага етиб борди, деб ёзибсан, бу тўғри, лекин ўзимизнинг эл бу газнинг юзани кўрган эмас-ку! Қолаверса, дунёда газ нима эканидан беҳабар одам уни фақат иссиқлик манбаи деб бираёнида ҳаракат узлуқсиз бўлиши керак, чунки бурғи учини мойлаб турадиган лой қотиб қолса, ускуна ишдан чиқиб, танг вазият юзага келади.

Шундан сўнг бурғилаш маълум қатламга етганида олинган тупроқ намуналарини кўздан кечирдик. Унда нефть ҳиди бор эди...

— Устюртнинг қаеридан нефть чиққан, ўзи? — деб сўрадим мен.

— Уни жуда кўрғим келаятган эди. — Шошманг, эртага борамиз, — деди Турғунбой оға. — Бундан уч чақирим нарида.

Эрталаб нонуштадан сўнг Турғунбой ака иккимиз яёв йўлга чиқдик. Тепамизда қанот ёзиб сайраган турғай бизга йўлдош бўлди. Манзилга ярим соатда етиб бордик. «Нефть чиқди!» — деб шов-шувга сабаб бўлган «Оқчалок-3» деган жойда атиги битта қувур бор экан, холос.

— Август ойининг бошида нефть отилиб чиқди, — деди Турғунбой оға. — Лекин биз бу нефть булогини ёпиб ташладик. Чунки, биринчидан, унинг атрофидан яна қудуқлар қазиб умумий захирани аниқлаш керак, иккинчидан, Тошкент конларида 500-600 метрдан нефть чиқаяпти. У жуда арзон маҳсулот, бизнинг нефть сифатли бўлишига қарамай, жуда қимматга тушади.

— Захираларни жадал аниқлашнинг бошқа йўли йўқми?

— Бора бурғиланиш қўлайтириш керак. Бу кўп маблағ талаб этади. Тепадан бизга ҳар йили атиги тўртта қудуқ қазиб учун маблағ ажратилади, холос. Агар шу суръатда давом этсак, захира камида ўн беш йилда аниқланади...

Орадан ўн йил ўтган, «Оқчалок-3» қони қайта очиб қўрилганида нефть «қочиб» кетгани ойдинлашди. Геологлар: «Очилган булоқ кўзини бекитмаслик керак эди», дея афсус қилишди. Лекин ўша давр талаби шундай бўлган. Устюрт ҳарбийлаштириш учун жуда қўлай эди. Орол қуригани етмагандек, бу заминда ҳарбий синовлар ўтказилиб, атрофмуҳит махв этилган...

Ушанда биз Турғунбой оға билан нефть чиққан қувур атрофини узок айландик. Кўнғил тилган манзара эмас эди, бу. Шу боис руҳим чўкди. Шунинг севдими, у киши жануб томон йўл бошлади. Икки чақирим юрғач, олдимизда ажойиб мовий кўл намоен бўлди.

— Бу сароб эмасми, оға? — деб сўрадим ажабланиб.

— Йўқ, бу Борсакелмас кўли, — деди Турғунбой оға. — Ош тузунинг қони бу! Ер юзидаги одамларни 200 йиллик эҳтиёжини қоплай олади.

Нукусга келиб, Устюрт нефть-гази ҳақида ёздим, кейин уни Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали Табиат институти таниқли олим, геология-минералогия фанлари номзоди Жанабой Сомоновга бердим. У кўлёмани ўқиб чиққан:

— Ёзганинг ёмон эмас, аммо сендан Бердак чиқмайди! — деди. — Қани, бунда ҳақ манфаати! Устюртдан ёки Оролбўйида қазилма бойлик чиқса, у эл-юрт ҳаётини яхшилайди-ми? Ёш, уни қўйиб ташлашдан сен билан менга, одамларга нима фойда?

Мана, Устюрт гази Европага етиб борди, деб ёзибсан, бу тўғри, лекин ўзимизнинг эл бу газнинг юзани кўрган эмас-ку! Қолаверса, дунёда газ нима эканидан беҳабар одам уни фақат иссиқлик манбаи деб бираёнида ҳаракат узлуқсиз бўлиши керак, чунки бурғи учини мойлаб турадиган лой қотиб қолса, ускуна ишдан чиқиб, танг вазият юзага келади.

қисмида шағал тўшаиш ниҳоясига етди, асфальт ётқизиш эса жадал давом этмоқда.

Учинчиси. Устюрт газ-нефть саноати ривожланган, инфратузилмали тармоққа айланмоқда. Ўтган йили корхона 90261 тонна, шу йилнинг ўтган беш ойида 43171 тонна сода ишлаб чиқарди. У йилга 100 минг тонна кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш салоҳиятига эга. Биласиз, кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш салохиятига эга. Биласиз, кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш салохиятига эга. Биласиз, кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш салохиятига эга.

Уларнинг бири иккиламчи маҳсулотдан йилга 10 минг тонна минерал кукун ишлаб чиқаради. Иккинчиси эса, истеъмолчига ҳар йили 10 минг тонна йодланган ош тузи етказиб беради.

Бу корхоналар Мустақиллик байрами арафасида иш бошлади ва ўша кунга 86 нафар йилгит-қиз ишли бўлади...

Ҳа, айтмоқчи, сода заводи қурилиши муносабати билан сахро қўйида ажойиб шаҳарча қад ростлади ва уни Халқ шоири, Ўзбекистон Қарамонери Абдулла Орипов Элобод деб атади ва Устюрт қаҳрамонлари ҳақида дoston яратди. Ҳозир шаҳарчада 2200 нафардан зиёд одам яшайди. Болалар бочгалари, таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуи, барча-барчаси бор, бу ерда. Қўчалар обод, яшилликча бурканган. Хонадонлар табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланган. Тошкент ва Нукус бозорларини айланиб, пештахтада нимани кўриш мумкин бўлса, шу ноз-неъмат Элободда муҳайё. Яна қаерда, денг. Устюртда!

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Элободдан қирқ чақирим нарида Сургул газ-кимё мажмуаси қурилишига қўл урилди. Бу иншоот Корея Республикаси билан ҳамкорликда барпо этилади.

Ўз вақтида Шахпахти билан Кувонч газ конлари «ўзини оқламайди» деб ёпиб ташланган эди. Бугунги кунда улар яна ишга туширилди, конларнинг аввалги қуввати тикланмоқда. «Қорақалпоқ», «Ерсабай», «Тиллали» да истиқболли конларнинг очилиши кутилмоқда. Қаранг, бир вақтлар Комсомольск на Устюрте шаҳарчаси ҳувиллаб қолган эди, мана, ҳозир шаҳарча одамлар билан яна гавжум. Бу нимани билдиради? Демак, Устюрт эл билан обод бўлмоқда. Устюрт яна бир мисоли сифатида Нукусдан 328 километр олисда жойлашган «Жаслик», 446 километр ички қарида бўлган «Қорақалпоқ» аҳоли масканларини эслаш ўринли. Уларнинг бирида 4500, иккинчисиде 3800 нафар одам яшайди. Бу ерда «Қорақалпоқ» компрессор станцияси, темир йўл станцияси, вокзал, мактаб, болалар боччаси, тиббиёт масканлари ва спорт заллари мавжуд. Чўлга уйқоқлик бағишлаётган бу инсонларнинг юрагида ўти бўлса керак, деб ўйлайман.

Бу одамлар ота-боболарининг ўлмас анъаналарини қайта тиклаш ҳаракатида. Улар ўз юртининг ҳар бир қарич ерини, янтоғу жингилини ўзга юртининг боғу бўстонида афзал билади, эъозлайди. Шу боис қадимий Устюрт бағрига ҳам шамол тегиб, унда жўшқин ҳаёт нафаси кеза бошлади.

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,
Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси.

Истиқлол имкониятлари

Ислон КАРИМОВ:

Бугунги кунда спорт бутун жаҳонда ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишининг, унинг ўз салоҳиятини намоён этиши, гурур ва ифтихорини юксалтиришининг энг самарали ва таъсирчан воситасига айланиб бораётганини кўриш-кузатиш қийин эмас.

МАМЛАКАТ ВА МИЛЛАТНИ УЛУҒЛАГАН ҒАЛАБАЛАР

■ Инсон ўз умри давомида кўп ҳаяжонли воқеаларни бошидан кечиради, шодликларни кўради, ўзгалар қувончига шерик бўлади. Аммо ҳаётда шундай дамлар бўладими, унинг гуруру ифтихорини ҳеч нарса билан тенглаштириб ҳам, қийслаб ҳам бўлмайди.

Бу миллат шаъни, Ватан номи билан боғлиқ ютуқлар, ғалабалардир.

Футбол бўйича ўсмирлар ўртасида Мексикада ўтаётган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган фарзандларимиз эришган ютуқлар ана шундай фахрли, ифтихорли, тарихий воқеалардан ҳисобланади. Уларнинг майдондаги ғайрат-шижоати, фидойилиги, ўзига бўлган ишончини кўриб, ҳар биримиз тўқинланганимиз, ҳаяжонланганимиз, гурурланганимиз бор гап.

Айни чоғда футболчиларимизнинг ота-оналари қалбидан нималар кечганини тасаввур этиш қийин эмас. Уларнинг ҳаяжони, қувончи бошқалардан кўра юз чандон, минг чандон кўп бўлганини яхши биламиз. Фарзанднинг ўйинларини томоша қилаётиб, ҳар бир ота-она «Баракка топ болам, юзимишни ерга қаратмадинг, ишончини оқладдинг», дея дуо қилгани ҳам табиий ҳол. Ота-онани рози қилган фарзанд кўп бўлганда ҳам табиий ҳол.

Ўз Ватанини улуғлаган, ўз халқининг дуосини олган, ўз Президенти ишончини оқлаган фарзанд эса ўн қарра, юз қарра бахтли, иқболли фарзанддир. Узоқ Мексикадаги кураш майдонида матонат ва жасорат кўрсатиб, ўз юрти, ўз халқи номини улуғлаган ёш футболчиларимиз ана шундай бахтга муяссар бўлиб туришибди. Бу болалар чиндан ҳам бахтли болалар. Улар мамлакатимиз мустақил бўлганидан сўнг туғилган болалар. Мустақиллик ҳавосидан нафас олиб, имкониятларидан баҳраманд бўлиб воёга етган болалар. Мустақил юрт фарзандлари.

Ўсмирларимиз ғалабаси сабаблари ҳақида фикр юритганда ҳаёт таърибидан кўп бор ўтган бир ҳақиқат ёдга тушади. Спортчининг ғалабасида жисмоний куч, маҳорат бир томон, ватанпарварлик туйғуси бир томон. Ортида ота-она, ака-ука, опа-сингил, ҳамюртлари, Ватани турганини ҳис этган спортчида орият, гурур юқори туради, бутун вужуди билан курашга киришади. Ўсмирларимизнинг майдондаги ҳаракатларида бу яққол сезилиб турди.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ўсмирларимиз кўрсатган бу натижа миллионлаб болаларда футболга чинакам ҳавас уйғотди. Қанчалар ота-оналар «Менинг фарзандим ома, Илоҳим, шуларга ўхшасин», дея ёруғ ниёт қилди. Қайси спорт тури бўлмасин, халқро майдонларда кўлга киритилган ёрқин ғалабалар ўша спорт тури тарғиботи, тараққиётга ҳизмат қилади. Ўсмирларимизнинг бу ютуғи ҳам, ҳеч шубҳасиз, футболимиз ривожига катта ҳисса бўлиб қўйилди. Ушбу муваффақият салмоғи-

ни, аҳамиятини чуқурроқ ҳис этиш, англаш учун аввало шуни унутмаслик керакки, мамлакатимиз вакиллари жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритганининг ўзи тарихий воқеа эди. Собик иттифоқ ҳудудидан жаҳон чемпионатига борган ягона мамлакат — бу Ўзбекистон бўлди. Осиё китмасидаги қирқдан зиёд давлатлар жамоалари орасидан бу шарафга муяссар бўлган тўрт жамоадан бири Ўзбекистон эканини ҳисобга олсак, ростдан ҳам оламшумул ютуққа эришганимизга ишонч ҳисоб қиламиз.

Ўсмирларимиз олдидаги бош вазифа гуруҳдан чиқиш эди. Бу ишни ундаш осон иш эмаслигини футболдан озгина хабардор одам яхши билади. Жаҳон чемпионатида кучсизлар бўлмаслиги, ҳар бир жамоа фақат ғалаба ҳақида ўйлаши, мўжизалар кўрсатиши мумкинлиги кўп бор таърибдан ўтган. АКШ, Янги Зеландия, Чехияни ортада қолдириб, ўз гуруҳида биринчи ўринни олган, нимчорак финал учрашувида эса Австралиядек мамлакат вакиллари довлдиратиб, йирик

Бугун қалбимизда жўш урган фахр-ифтихор туйғуларни четидан ҳар қайси савол турбиди: — Бу саодатли кунларга, бу ғалабаларга ниманинг ҳисобига эришилди? Истиқлолимизнинг дастлабки кунларида Юртбошимиз Мустақиллик аҳамияти ҳақида гапира туриб, «Мустақиллик — энг аввало ҳуқуқ дегани», дея таъкидлаган эди. Бугун эришилётган жамки ютуқларимиз, хусусан ёш футболчиларимиз кўлга киритган ғалабанинг ҳам бош омили Мустақиллик берган ҳуқуқ, имконият, ваколат туйғули, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

ҳисобда мағлубиятга учратган ўсмирларимиз Ўзбекистон фарзандлари ҳеч қимдан кам эмаслигини намоён этишди. Уларнинг жаҳон чемпионати чорак финалига чиқиши футболимиз тарихига зарҳал харфлар билан ёзиб қўйилган буюк бурилиш бўлди.

Чорак финалда дунёнинг энг кучли жамоаларидан бири бўлган Уругвайга имкониятни бой берган бўлсак-да, Осиёда Ўзбекистон ва Япония гина чорак финалга чиқгани унутмаслик керак. Ўзбекистон жаҳон чемпионатиди энг кучли саккиз жамоадан бири бўлиб турганининг ўзиёқ ўсмирларимиз қандай муваффақиятга эришганини кўрсатиб турибди. Энди ўйлаб кўрайлик, жаҳон чемпионати давомида дунё оммавий ахборот воситаларида «Ўзбекистон» номи неча бор такрорланди? Бутун ер юзи «Ўзбекистон» сўзини такрор ва такрор эшитди. Ўзбек болалари нималарга қодир эканини кўришди, тан беришди. Бундай ёрқин ғалабалар



одамларни бирлаштиради, миллатни жипслаштиради, гурурини юксалтиради. Бугун қалбимизда жўш урган фахр-ифтихор туйғуларни четидан ҳар қайси савол турбиди: — Бу саодатли кунларга, бу ғалабаларга ниманинг ҳисобига эришилди? Истиқлолимизнинг дастлабки кунларида Юртбошимиз Мустақиллик аҳамияти ҳақида гапира туриб, «Мустақиллик — энг аввало ҳуқуқ дегани», дея таъкидлаган эди. Бугун эришилётган жамки ютуқларимиз, хусусан ёш футболчиларимиз кўлга киритган ғалабанинг ҳам бош омили Мустақиллик берган ҳуқуқ, имконият, ваколат туйғули, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

этироф этишмоқда. Яқинда Термизда «Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинлари олдидан ўнлаб спорт иншоотлари, «Ал-помин» стадиони қуриб фойдаланишга топширилди. Мамлакатимизда футболни ривожлантиришдан иккита асосий масала кўзда тутилган эди. Биринчиси — миллионлар ўйини бўлган футбол орқали болаларни спортга жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, миллат саломатлигини мустаҳкамлаш.

Иккинчидан — футболда оммавийликка эришиш орқали истеъдодларни кашф этиш ва тарбиялаш. Ана шу истеъдодлардан кучли жамоалар ташкил этиш ва халқро майдонларда Ватанимиз шухратига шухрат қўйиш. Мамлакатни, миллатни дунё-

га танитадиган воситалар кўп. Аммо Президентимиз мустақилликнинг дастлабки йилларида айтганидек, мамлакатни, миллатни дунёга энг тез танитадиган восита — бу спортдир. Спортнинг футбол тури эса оммавийлиги сабабли янада имкони кенг, самарали воситадир. Бунга 1994 йили Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтган Осиё ўйинлари яққол мисол бўла олади. Ўйинларнинг дастлабки кунлари оқдий японияликлар биздан қайси мамлакатдансиз, деб сўрашарди. Айтсак тушунамасди, «Бу мамлакат қаерда?», дея қайта сўрашарди. Футбол бўйича терма жамоамиз ярим финалга чиққач, ярим Япония Ўзбекистонни таниди, десак, муболага бўлмайди. Финалга чиқиб, Гитойи терма жамоасини енгиб, ғалаба бўлганимизда нафақат Япония, бутун Осиё Ўзбекистонни таниди. Мана, бугун эса ўсмирлар терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатида муносиб иштироки юртимизни, халқимизни яна бир бор дунёга танитишга ҳизмат қилди.

Бу ютуқлар, футболчилар ўзидан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Давлатимиз томонидан футболни ривожлантириш йўлида амалга оширилган ишлар, сарфланган катта маблағлар самараси булар. Футболни ривожлантириш дастурига кўра, 2011 йилда Андижон, Наманган ва Самарқанд вилоятларида футбол клублари қошида болалар-ўсмирлар футбол клубларини ташкил этиш режалаштирилган. Хабарингиз бор, Андижонда Президентимиз қарори асосида ташкил этилган ихтисослаштирилган футбол мактаб-интернати фао-

лият кўрсатмоқда. Бундан кўзланган максад аниқ; футболимизнинг эртанги истиқболи бугун болалар футболга бўлган эътиборимизга боғлиқ. Шу йилнинг февраль ойида Президентимиз Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик Кенгашининг навбатидаги ййгилишида болалар спортини ўзбек спортининг келажиги, унинг халқро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг пойдевори эканини яна бир бор таъкидлади. Дарҳақиқат, катта спортга, шохсунага йўл болалар спортдан бошланади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, спортда эришилган ҳар бир ютуқ навбатдаги ғалабага пойдевор бўлади. Мексика майдонларида кўлга киритилган натижа, орттирилган таъриба футболимизнинг янги, янада юксак марраларга чиқишига ҳизмат қилади. Бугунги ўсмирлар эртага олимпия ва миллий терма жамоаларимиз таркибида майдонга тушади. Улар Мексикадаги муваффақиятни катта орзу-умидлар йўлидаги дастлабки довод деб қабул қилишлари лозим. Олдинда янада нуфузли мусобақалар, катта масъулият ва меҳнат, ғалабалар кутмоқда.

Вақти келади, бугун ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида номлари жаранглаган футболчиларимиз миллий терма жамоамиз сафида жаҳон чемпионатларида иштирок этишади. Бунга ишончимиз комил. Ўсмирларимизнинг ғайрат-шижоати, истеъдоди, Мексика майдонларидаги ғалабалари бунга кафолат бера олади. Сафар ОСТОНОВ

Мексикада футбол бўйича ўсмирлар ўртасида (U-17) ўтказилаётган жаҳон чемпионати натижалари: Нимчорак финал. Ўзбекистон — Австралия — 4:0, Бразилия — Эквадор — 2:0, Конго — Уругвай — 1:2, Япония — Янги Зеландия — 6:0, Германия — АКШ — 4:0, Англия — Аргентина — 1:1 (пенальтилар бўйича — 4:2), Франция — Кот Д'Ивуар — 3:2, Мексика — Панама — 2:0. Чорак финал. Уругвай — Ўзбекистон — 2:0, Япония — Бразилия — 2:3. Бугун тун ва тонгда Германия — Англия, Франция — Мексика жамоалари ўйнади.

Яна бир учрашувдан сўнг...

7 июль кунини футбол бўйича Ўзбекистон XX миллий чемпионати олий лига жамоалари биринчи давра учрашувларини якунлашади. Шу кунини ўзининг турнинг кечиктирилган ўйини ўтказилади. Унда Тошкентнинг «Пахтакор» ва «Бунёдкор» жамоалари ўзаро баҳс юритишади.

Кунини кеча эса муҳлислар чемпионатнинг қолдирилган икки учрашувига гувоҳ бўлдилар. Жумладан, унда «Андижон» — «Пахтакор» (13-тур), «Олмалик» — «Шўртан» (13-тур) жамоалари майдонга чиқди.

Андижонда кечган мусобасиз ва кизгин баҳсда пахтакорчилар масумидаги иккинчи мағлубиятини тан олишдан бошқа чора топа билишмади. Унда андижонликлар ҳужумчиси Лочин Солиев «дубл» қайд этган бўлса, «Пахтакор» жамоасининг ягона голи Станислав Андреев ҳисобига ёзилди — 2:1.

Хабарингиз бор, яқинда «Шўртан» жамоаси бош мураббийи Эдгар Гесс истеъфого чиқарилган. Сафарда «Олмалик» жамоасига қарши ўтган учрашув гузорликларининг янги бош мураббийи Тачмурад Агамуродов учун дебют вазифасини ўтади. Аммо Агамуродов бош мураббийлигида майдонга тушган «Шўртан» футболчилари майдондан бош эгиб чиқиб кетишди. Евгений Гоголь ҳамда Мўйдин Мамазулов киритган икки гол олмаликликларга муҳим уч очкони ҳада этди — 2:0.

Эслатиб ўтамиз, бир неча кун муқаддам Самарқанднинг «Динамо» жамоаси бош мураббийи Виктор Жалилов ҳам ўз вазифасидан озод этилди. Энди унинг ўрнида таърибли мутахассис Аҳмад Убайдуллоев самарқандликларни иккинчи давра баҳсларига ҳозирлайди.

«Насаф» ва «Бунёдкор» — ярим финалда!

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоғининг икки ярим финалчи номи аниқланди. Чорак финалнинг «Насаф» — «Машаф» жамоалари ўртасида Муборақда бўлиб ўтган биринчи ўйини қаршиликлар сафарда тўп суришларига қарамай, рақиблар тарбиясидаги жаҳон чемпионатидаги ййгилишида болалар спортини ўзбек спортининг келажиги, унинг халқро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг пойдевори эканини яна бир бор таъкидлади. Дарҳақиқат, катта спортга, шохсунага йўл болалар спортдан бошланади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, спортда эришилган ҳар бир ютуқ навбатдаги ғалабага пойдевор бўлади. Мексика майдонларида кўлга киритилган натижа, орттирилган таъриба футболимизнинг янги, янада юксак марраларга чиқишига ҳизмат қилади. Бугунги ўсмирлар эртага олимпия ва миллий терма жамоаларимиз таркибида майдонга тушади. Улар Мексикадаги муваффақиятни катта орзу-умидлар йўлидаги дастлабки довод деб қабул қилишлари лозим. Олдинда янада нуфузли мусобақалар, катта масъулият ва меҳнат, ғалабалар кутмоқда.

Вақти келади, бугун ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида номлари жаранглаган футболчиларимиз миллий терма жамоамиз сафида жаҳон чемпионатларида иштирок этишади. Бунга ишончимиз комил. Ўсмирларимизнинг ғайрат-шижоати, истеъдоди, Мексика майдонларидаги ғалабалари бунга кафолат бера олади. Сафар ОСТОНОВ

Чорак финал босқичидан жой олган яна икки учрашув «Пахтакор» — «Нефтчи», «Шўртан» — «Динамо» жамоалари ўртасида бўлиб ўтади. Тақвимга кўра, мазкур жамоаларнинг дастлабки учрашуви 2 августда ўтказилса, жаҳо бўйини 17 августга белгиланган.

Эркин ХОЛБОБО

05-ҲАВО 05-06.07. 2011

Table with 3 columns: Location, BUGUN, ЭРТАГА. Lists weather forecasts for various cities like Toshkent, Samarkand, Nukus, etc.

Table with 3 columns: Location, Temperature, Humidity. Lists weather data for London, Paris, Moscow, Madrid, etc.

Таътил мазмуни ўтмоқда

Қарши шаҳридаги «Шўртангаз-кимм» мажмуасига қарашли «Геолог» спорт-соғломлаштириш марказида болаларнинг мароқли ҳордиқ чикариши, ўз иқтидори ва салоҳиятини намоён этиб, ўқиб-изланиши учун барча шароит яратилган.



Жамила НОРҚОБИЛОВА (ўса) ойнаб сурат.

Марказда шахмат-шашка, информатика, хорижий тиллар ва расмчилик тўғрисидаги таълим қилиниб, малакали ўқитувчи-мураббийлар юздан ортиқ ўқил-қизга сабоқ бермоқда. Тўғрақлар хоналари зарур ўқув ва қўрсатмалар воситалар, замонавий ахборот технологиялари билан таъминланган. Болалар бу ерда билимини янада мустаҳкамлаб, таътилини мазмуни ўтказмоқда.

Қимматли қоғозлар бозорида ҳамкорлик

■ Мамлакатимиз Қорей Республикаси билан бир қатор соҳаларда ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириб келмоқда.

Хусусан ўтган йили пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Қорей Фонд биржаси ўртасида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш тўғрисида меморандум имзоланди.

Кунини кеча эса Давлат мулки қўмитасида Қорей Фонд биржасининг раҳбари жаноб Ким

Бонг Су бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Давлат мулки қўмитаси билан Қорей Фонд биржаси ўртасида қимматли қоғозлар бозорини модернизациялаш тўғрисида келишув имзоланди.

Учрашувда сўзга чиққанлар мазкур келишув икки давлат фонд бозори фаолият доира-

сидаги ҳамкорлигини янада кенгайтиришга имконият яратишини таъкидлашди. Шунингдек, мамлакатимизда онлайн усулидаги янги фонд биржа инфраструктурасини яратиш учун замонавий ахборот технологиялари олиб килинишини, шу билан бирга, онлайн усулида IPO ёрдамида бизнес соҳа вакиллари учун янги ҳамкорлар топишнинг янада энгиллаштиришини айтиб ўтишди. Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ

MUASSIS:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TANHIR HAY'ATI:

- List of names: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, Bosh muharrir o'rinbosari G'affor HOTAMOV, (Bosh muharrir o'rinbosari) MUHIHIDDIN MUHIDDINOV, OCHILBOY RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Ko'ribiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonani manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 746 11278 nusxada bosildi. t — Tijorat materiallari Topshirish vaqtini — 21.00 O'ZA yakuni — 23.00 Topshirilgan vaqti — 23.20 Sofuvda erkin narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

